

**Давлат тиббий суғуртаси механизмларини Фарғона вилоятида жорий
этиш бўйича жорий ҳафтада (10-14.03.2025й.) амалга оширилган ишлар
ҳақида ҳафталик
маълумот.**

Ушбу ҳафтада Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Фарғона вилояти ҳудудий бўлими томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди;

- 10.03.2025 й. Фарғона вилоятидаги ДТСЖ билан Шартнома имзолаган 31 та вилоят ДПМларидан ССВНИНГ 2024 йил 23-ЯНВАРДАГИ 17-СОНЛИ БУЙРУҒИНИНГ 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17- ИЛОВА ШАКЛЛАРИ ХИСОБОТЛАРИНИ тайёрланиб, молиялаштириш учун ҳисоб китоблари амалга оширилиб, тайёрланган сертификат ДТСЖга тақдим қилинди.

Молия бўлими ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2024 йилдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сон Қарорига мувофиқ кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларнинг Жамғарма орқали хариди жорий этилиши ҳамда тиббиёт ташкилотлари ва Жамғарма ўртасида тузиладиган шартнома асосида уларнинг фаолияти молиялаштириб борилиши елгиланган. Бунда, жамғарма билан тузилган шартномаларга асосан тўловлар “хар бир даволанган ҳолат учун” давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар хариди доирасида амалга оширилади, лекин Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида беморларга кўрсатилаётган амбулатор ёрдамни молиялаштириш ҳисобга олинмаган. Шу сабабли шифохоналар томонидан шошилинч равишда мурожаат қиладиган беморларга амбулатор шароитда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тўғрисида 13 та муассасаса бўйича маълумот тайёрланди.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Фарғона вилоят Молия бўлими ходимлари томонидан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311 сонли қарори асосида, Бизнес режа тузишда кийинчиликларга дуч келаётган Фарғона вилояти Пульмонология шифохонаси (Шохимардон), Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона в. филиали бухгалтер, иқтисодчилари билан тушунтириш ишлари ҳамда бизнес режа тузишда амалий ёрдамлар берилди.

Мурожаатлар билан ишлаш ва иш юритуви бўлими ходими "Фарғонаэлектр тармоқлари" корхонасига Давлат хизматлари агентлиги орқали электр ҳисоблагич ўрнатиш учун ариза жўнатилиди.

- 11.03.2025 й. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Фарғона вилоят ҳудудий бўлими ходимлари ДТСЖ билан шартнома тузган РИКМИАТМ Фарғона филиалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **5199-сонли қарори** асосида суғурта тизими доирасида ётиб даволанаётган беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат бўйича мониторинг ўтказилиб, бевосита даволанаётган беморлар билан суҳбатлашилди ва улар билан **саволнома ўтказилди**. Шифохонада даволаниб чиққан беморларнинг статистик картаси (066-х/ш янги шакли)ни mis.2 ssv.uz. ахборот тизимига шифокорлар томонидан киритишдаги хатоликлар, МКБ-10 (ХКТ-10)нинг муайян синфларига киритилган ташхислар бўйича тушунчалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар

тўғрисида"ги **ПҚ-311 сонли қарорини ижросини таъминлаш юзасидан ДТСЖ си** билан тузилган шартномага асосан шартнома шартларини бажарилиши юзасидан Фарғона вилоятида ҳудудий бўлинмаси ходимлари томонидан мониторинг ўтказилди.

Бемор: Аҳмадалиева Лолахон 1946 й/т. Фарғона шаҳар Садаф кўчаси 63 уйда яшайди. Карта рақами 992/62/84. 13.02.2025 йил куни ётқизилган. 13.01.2025 йил кунинда бемор кўлига дори воситалари (дексаметазон, эйфуллин, реосорбилакт) ёзиб берилган. Лекин 18.02.2025 йил кунидан шифохона томонидан ушбу дори воситалари берилган. ХКТ-10 бўйича касаллик тарихига кодлар қўйилмаган. Беморга ОИВ инфекцияси текшируви тайинланган, лекин текширув натижалари бланкаси мавжуд эмас ва тиббий картада ҳам текширув санаси, таҳлил рақамлари қайд этилмаган. Беморнинг 13.01.-18.01.2025 йил кунигача қилинган муложаларни қайд этиш варақасида ҳеч қайси мутахассисларнинг имзоси мавжуд эмас.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Фарғона вилоят **Молия бўлими ходимлари** томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311 сонли қарори асосида, Фарғона вилоятида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартнома тузган 31 та муассасалардан 14 таси даволанган ҳолат бўйича шартнома тузган ушбу муассасаларни феврал ойи учун ажратилган даволанган ҳолат бўйича 15% маблагни молиялаштириш бўйича ҳисоботлар шакиллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311 сонли қарори асосида, Бизнес режа тузишда қийинчиликларга дуч келаётган Фарғона вилояти Кўп тармоқли тиббиёт маркази, Фарғона вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бугалтер, иктисодчилари билан минимал талаблар асосида тушунтириш ишлари ҳамда бизнес режа тузишда амалий ёрдамлар берилди.

Мурожаатлар билан ишлаш ва иш юритуви бўлими ходими Республика ДТСЖ дан келган “Электрон Ҳисоблагич”ни Фарғона вилояти “Электр тармоқлари корхонаси” дан мутахассис жалб қилиниб “Электр ҳисоблагич” ўрнатилди. Бундан ташқари бир томонлама шартномани имзолаб бериш учун ҳужжатлар жамланмаси Электр тармоқлари корхонасига жўнатилди

-12.03.2025 й. ДТСЖ Фарғона вилояти бўлинмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311 сонли қарорини ижросини таъминлаш юзасидан Фарғона вилоятида тасдиқланган режа график асосида ҳудудий бўлинмаси ходимлари томонидан **Қўқон шаҳар Оилавий поликлиникаларида МФЙ масъуллари иштирокида қарор мазмун- моҳиятини тарғиботи**га бағишланган тақдироти ўтказилди.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Фарғона вилоят бўлими молия иктисод бўлими ходими А.С.Юсупов томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311 сонли қарори мазмун-моҳияти, қарордаги вазифаларни ҳамда тиббиёт муассасалари билан бизнес режа тузишда йўл қўйилаётган камчилик тушунмовчиликларни ВКС йиғилишида қатнашган 31 та муассаса бош бухгалтер ҳамда иктисодчиларига тушунтириб ўтилди. ВКС йиғилишида берилган барча саволларига тўлиқ ва аниқ тушунтириш берилди. Шулардан Вилоят Республика тез тиббий ёрдам маркази Фарғона вилоят филиали,

Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали, Вилоят стоматология шифохонаси, Фарғона Вилоят паталогоанатомия бюроси, Фарғона Вилоят кўп тармокли тиббиёт марказлари саволларига тўғридан тўғри жавоб берилди.

Мурожаатлар билан ишлаш ва иш юритуви бўлими ходими Фарғонаэлектр тармоқлари" корхонасига Давлат хизматлари оркали "Электрон хисоблагич"га Тамға (Пломба) ўрнатиш учун ариза юборилди ҳамда "Фарғонасувтаъминоти" А\Ж ҳамда "Ўзбектелеком" А\Ж лар билан **12.03.2025** йил куни ҳолатига акт сверкалар олинди. Бундан ташқари ДТСЖ мутахассислари олиб бораётган ишларини ва уларнинг кунлик ҳисоботларини иш юритувдаги йигма жилдлар папкасига тикиб борилмоқда. РШТЎИМ фарғона филиалининг ДТСЖ сига ёзган мурождати бўйича EDO.ijgo.uz сайти оркали келган мурождатига жавоб хати юборилди.

-13.03.2025 й. Вилоят юқумли касалликлар шифохонасида Давлат тиббий суғурта жамғармаси Фарғона вилоят бўлинма ходимлари томонидан ССВнинг 2024 йил 23 январдаги № 17 сонли буйруғи асосида такдим қилган феврал ойи ҳисоботларидан КХГ даги шубҳали даволанганлик ҳолати бўйича **феврал ойи ҳисоботлари ҳаққонийлиги** ўрганилди. Шифохонада даволаниб чиққан беморларнинг статистик картаси (066-х/ш янги шакли)ни mis.2ssv.uz. электрон ахборот тизимида шифокорлар томонидан киритиши бўйича, МКБ-10(ХКТ-10)нинг муайян синфларига киритилган ташхислар бўйича киритилганлигининг мониторинг ўтказилмоқда. Бундан ташқари барча бўлим мудирлари ва шифокорларга беморларнинг статистик картаси (066-х/ш янги шакли)ни mis.2ssv.uz.) электрон ахборот тизимдаги йўл қўйган камчиликлари юзасидан тушунчалар берилиб келгусида ушбу ҳолатлар қайтарилмаслиги бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Фарғона вилоят Молия бўлими ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-311 сонли қарори асосида, Бизнес режа тузишда қийинчиликларга дуч келаётган Республика тез тиббий ёрдам маркази Фарғона вилоят филиали, Фарғона вилоят Патоогоанатомия бюроси,Респ. ихт. Она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона в. Филиали (Перенатал) бугалтер, иқтисодчилари билан минимал талаблар асосида тушунтириш ишлари ҳамда бизнес режа тузишда амалий ёрдамлар берилди.

Бугунги кунда Фарғона вилоятидаги 31 та тиббиёт муассасаларидан 17 та тиббиёт муассасалари "Глобал бюджет" усулида ва 14 та тиббиёт муассасалари "Глобал бюджет ва ҳар бир даволанган ҳолат" усулида молиялаштирилади. Шунга қўра, бажарилган ишлар ва ҳар бир даволанган ҳолат натижалари бўйича тўланиши лозим бўлган 15% миқдоридаги маблағлар ҳисоб-китоб қилинди ва молиялаштириш бўйича сертификат тайёрланди.

Мурожаатлар билан ишлаш ва иш юритуви бўлими ходими "Фарғонаэлектр тармоқлари" корхонасига Давлат хизматлари агентлиги оркали ариза билан мурожаат этилган бўлиб Электрон хисоблагичга "Тамға" (пломба) ўрнатиш бўйича аризага асосан "Электр тармоқлари" корхонасидан махсус ходими олиб келиниб "Тамға" (пломба) ўрнатилди.

14.03.2025 й. ДТСЖ си Фарғона вилоят бўлими ходимлари томонидан Фарғона вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт марказида ССВнинг 2024 йил 23 январдаги №

17 сонли буйруғи асосида такдим қилган феврал оғи ҳисоботларидан КХГ дағи шубҳали даволанганлик ҳолати бўйича **феврал оғи ҳисоботлари ҳаққонийлиғи** ўрганилди. Шифохонада даволаниб чиққан беморларнинг статистик картаси (066-х/ш янғи шакли)ни mis.2ssv.uz. электрон ахборот тизимига шифокорлар томонидан киритиши бўйича, МКБ-10 (ХКТ-10)нинг муайян синфларига киритилган ташхислар бўйича киритилганлиғининг мониторинг ўтказилмоқда. Бундан ташқари барча бўлим мудирлари ва шифокорларга беморларнинг статистик картаси (066-х/ш янғи шакли)ни mis.2 ssv.uz.) электрон ахборот тизимдағи йўл қўйган камчиликлари юзасидан тушунчалар берилиб келгусида ушбу ҳолатлар қайтарилмаслиғи бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат тиббий суғурта жамғармаси Фарғона вилоят бўлинмаси молиялаштириш бўйича мутахассислари томонидан Вилоят Қон Қуйиш маркази бош ҳисобчиси, иқтисодчиси билан муассаса бизнес режаси ва штат жадвалларини таҳлил қилиниб, молиялаштириш янғи механизмини тадбиқ этиш , иш ҳақи харажатлари, дори-дармон воситалари, озик-овқат махсулотлари, коммунал хизматларга қилинган сарф-харажатларни иқтисодий самарадорлиғини баҳолаш бўйича бажарилган ишлар кўриб чиқилди. Шу билан бирга Қон қуйиш маркази учун янғи келтирилган ПЗР анализатори учун реактивлар билан таъминотидағи муаммолар ўрганиб чиқилиб, таъсиялар берилди.

Мурожаатлар билан ишлаш ва иш юритуви булими ходими РСО ва БИАТМ Фарғона филиалининг ДТСЖ сига ёзган мурожати бўйича EDO.ijro.uz сайти орқали келган мурожатиға жавоб хати юборилди.

Давлат тиббий суғурта жамғармаси
Фарғона вилоятини ҳудудий бош мутахассиси

С. Атабалаев